



140704, Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi-4-uy
Tel.: (8-366) 629-15-10, faks (8-366) 629-11-54

140704, г.Иштыхан ул. Иштыханская д.4,
Тел: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

20/6 у.г «6» март

№ 205-7

Ishtixon sh.-г.Иштыхан

Файзиобод ҚФЙ Кўтарма массивдан 2016 йилда намунавий лойиҳалар асосида қурилиши режалаштирилган уй-жойлар бош режасида қурилиши кўзда тутилган Сунъий қопламали стадион ва хаммом қуриш учун фуқаро Хасанов Авазмуродга ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-қой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2016 йилда намунавий лойиҳалар асосида қурилиши режалаштирилган уй-жойлар бош режасида қурилиши кўзда тутилган “Сунъий қопламали стадион ва Хаммом” биноси бўйича вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2016 йил 3-февралдаги 136-сонли хулосасини, туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссия аъзоларининг 2016 йил 3 мартдаги 5-сонли далолатномасини ҳамда фуқаро Хасанов Авазмуроднинг “Сунъий қопламали стадион ва Хаммом” қуриш учун ер майдони ажратиш беришни сўраб ёзган аризасини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2016 йил 3-февралдаги 136-сонли хулосаси маълумот учун қабул қилинсин, туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссия аъзоларининг 2016 йил 3 мартдаги 5-сонли далолатномаси тасдиқлансин.
2. Файзиобод ҚФЙ Кўтарма массивдан 2016 йилда намунавий лойиҳалар асосида қурилиши режалаштирилган уй-жойлар бош режасида қурилиши кўзда тутилган “Сунъий қопламали стадион” қуриш учун 1200.0 (бир минг икки юз) кв.метр ва “Хаммом” биноси қуриш учун 600.0 (олти юз) кв.метр жами 1800.0 (бир минг саккиз юз) кв. метр ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.
3. Фуқаро Хасанов Авазмуродга ажратилаётган ер майдони бўйича белгиланган тартибда лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб, тегишли ташкилотлардан рўйхатдан ўтгандан сўнг қурилиш ишларини бошлашга рухсат берилсин ва 6 (олти) ой муддатда фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилсин.
4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Халилов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га ажратилган ер майдонида “Сунъий қопламали стадион ва Хаммом” бино иншоотлари қурилишини лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.
5. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси (Х.Астанов)га ушбу ажратилаётган ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.
6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Валиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Негматов